

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**МУҚИМИЙ НОМЛИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**АЛИМСАИДОВА САЙЁРА АМИДЪЕЕВНА**

**ТАРИХИЙ-АДАБИЙ ХАРАКТЕРГА ЭГА БЎЛГАН**  
**ЎЛКАШУНОСЛИККА ОИД МАТНЛАР АСОСИДА УМУМТАЪЛИМ**  
**МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА СОЦИОЛИНГВИСТИК**  
**КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (рус тили)**

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Science (DSc)**

**Алимсаидова Сайёра Амидъеевна**

Тарихий-адабий характерга эга бўлган ўлкашуносликка оид матнлар асосида умумтаълим мактаблари ўқувчиларида социолингвистик компетенцияни шакллантириш..... 3

**Алимсаидова Сайёра Амидъеевна**

Формирование социолингвистической компетенции учащихся общеобразовательных школ с опорой на краеведческие тексты историко-литературного характера..... 41

**Sayyora Amideyevna Alimsaidova**

Formation of Sociolinguistic Competence of Students of Secondary Schools Based on Local history Texts of a Historical and Literary Nature..... 79

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 84

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**МУҚИМИЙ НОМЛИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**АЛИМСАИДОВА САЙЁРА АМИДЬБЕЕВНА**

**ТАРИХИЙ-АДАБИЙ ХАРАКТЕРГА ЭГА БЎЛГАН**  
**ЎЛКАШУНОСЛИККА ОИД МАТНЛАР АСОСИДА УМУМТАЪЛИМ**  
**МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА СОЦИОЛИНГВИСТИК**  
**КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (рус тили)**

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.Dsc/Ped84 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Муқимий ноли Кўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** Ахмедова Лайло Толибжоновна  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Хошимова Дильдора Уринбаевна  
педагогика фанлари доктори, профессор

Асилова Гулшан Асадовна  
педагогика фанлари доктори, профессор

Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Мирзо-Улугбек номли Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «17» декабр соат 9 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2021 йил «6» декабр куни тарқатилди.  
(2021 йил «6» декабр да 26 рақамли реестр баённомаси).



Г.Х. Боқиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
таърих, филол.ф.д., профессор

Х.Б. Самигова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
котиби, филол.ф.д., доцент

Д.Р. Джуманова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси в.б.,  
филол.ф.д., профессор



## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон педагогикасида дунё халқлари маданиятини, маиший ҳаётини ва маданият тарихини, ўзаро алоқа ва муносабатларини лингвистик қиёслаш, интерпретацион таҳлил усули асосида ўрганиш янги йўналишлардан саналади. Таълим ва тарбия назарияси ҳамда методикасининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этган тарихий-адабий характердаги ўлкашуносликка оид матнлар асосида ўқувчиларнинг социолингвистик компетенциясини шакллантириш натижасида жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топди. Бу жараён таълимдаги ёндашувлар таркибини ўзгартирмоқда ва педагогик менталитетлар ўрнатилмоқда.

Жаҳон цивилизацияси тараққиётида ўқувчиларнинг тил ўрганиш маҳоратини, ахборотлар билан ишлаш қобилиятини ривожлантириш, она тили бўлмаган (рус) тилини ўқитишда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини такомиллаштиришининг лингвометодологик асосларини ишлаб чиқиш долзарб масалалар қаторидан ўрин олмоқда. Социолингвистик компетентликни шакллантиришда мақсадни тўғри қўйиш, таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишни аниқ лойиҳалаштириш, ўзга (рус) тилда айтиладиган фикрларни эшитиш ва тушунишга ўрганиш, суҳбатдош тилида тўғри, аниқ ва раво мулоқот олиб бориш; фикрлар алмашинувида мулоқот маданиятига эга бўлиш; тил ўрганиш ва ўргатиш техникасини чуқур билиш, педагогик жараёни тўғри ташкил этиш ва бошқариш малакасига эгаллик, линсоний муҳит ярата олиш техникасини билиш каби индикаторлар муҳим аҳамият касб этади.

Қадимий цивилизация марказларидан бири бўлган Ўзбекистоннинг тарихий, маданий ва меъморчилик ёдгорликлари жаҳон тамаддунининг таркибий қисми бўлиб, шундай муҳим, нодир, қимматли аҳамиятга молик моддий ва маънавий ёдгорликларни ҳар томонлама илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш давлатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг устувор мақсади ҳисобланади. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига ўз ўлкасининг ўтмишини археологик, этнографик, топонимик, кўлёма асарлар ва архив ҳужжатлари асосида ўргатиш ва тарихий-адабий характерга эга бўлган ўлкашуносликка оид матнларни ўзлаштиришда социолингвистик компетенцияни шакллантиришга оид илғор хорижий тажрибаларга асосланган ёндашувларни жадаллаштириш зарурати кўзга ташланмоқда. Зеро, "ўқувчиларнинг фан бўйича эгаллаган билимлари билан бир қаторда саводхонлик, компетенция ва шахсий сифатларини баҳолаш ҳамда касбларга бўлган қизиқишини аниқлаш тизимини жорий этиш"<sup>1</sup> натижасида миллий таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати уни замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони/ <https://lex.uz/docs/5085999>

жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш бугуннинг долзарб муаммосидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги; Фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 19 июлдаги ПҚ-606-сон “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”, 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисида Қонуни ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган амият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.<sup>2</sup>** Жаҳон педагогика назариясида долзарб муаммо ҳисобланган ўқувчиларнинг социолингвистик малакасини ўрганиш ва шакллантириш бўйича мутахассис ва изланувчилар томонидан жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказларида тадқиқотлар олиб борилмоқда: Москва функционал социолингвистика мактабида (М.В.Панов, Д.Н.Шмелев, В.И.Беликов, Л.П.Крисин, Е.А.Земская

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.twirpx.com/tag/340/>; <https://www.upenn.edu/academics/>; <https://www.krugosvet.ru/>; <https://www.unipage.net/ru/>; <https://www.yale.edu/admissions/>; <https://www.ox.ac.uk/>; <https://www.elc.edu/>; [https://germany\\_de\\_ru/](https://germany_de_ru/); <https://www.uef.fi/en/>; <https://fonetica.philol.msu.ru/>; <http://uzswlu.uz/>; <http://tashgiv.uz/ru/>; <http://navoiy-uni.uz/uzk/>; <http://www.samdu.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди

тадқиқотлари асосида шахсни нутқий ижтимоийлаштириш механизми очиб берилди); Петербург лингвистика мактабида (тилда индивидуал ва социал жиҳатларнинг бирдамлиги тўғрисидаги назария Е.Д.Поливанов, Л.В.Щерба, Б.А.Ларин, В.М.Жирмунский томонидан шакллантирилди); Санкт-Петербургнинг Европа университетиди (В.Б.Гулида, Н.Б.Вахтиннинг илмий саъй-ҳаракатлари туфайли вариацион социолингвистика бўйича курс ташкил этилди); Пермь социолингвистика мактабида (Т.И.Ерофеева, Т.И.Доценко, Ф.Л.Скитова, Л.А.Грузберглар ижтимоий диалектология қоидаларини асослашди); АҚШнинг қуйидаги олий таълим муассасаларида: University of Pennsylvania (W.Labov, В.Lavandera тил таркибидаги ўзгаришлар ва тил ҳамжамияти маълумотларини билиш ўртасидаги алоқаларни ўрганишди); Monterey Institute (жамоатчилик муҳитида зарур бўлган ижтимоий шароитларда белгиланган динамик алоқаларнинг асосий тамойилларини Dell Hathaway Hymes ишлаб чиқди); Yale University (Hans Henrich Hock, Elmer Antonsen томонидан инновацион педагогик ва ахборот-компьютер технологияларининг назарий ва услубий базаси шакллантирилди); Англияда Oxford University (J.R.Firth ва J.R.Taylor тилнинг ижтимоий-минтақавий шаклланишидаги ўзига хослиги ва унинг тил маданияти билан алоқасини аниқлашди); The English language center (M.A.K.Halliday, A.McIntosh, P.Stevens томонидан тил муҳитининг маърифий аҳамияти шакллантирилди); Германияда Leipziger Schule (Klaus Bochmann, Matthias Perl, Gerd Wotjak тил географияси услубини яратишди); Финляндияда The University of Eastern Finland (Sanna Iskanius ўқитувчиларнинг коммуникатив компетенциясида ривожланишнинг ўзига хослигини аниқлади); Чехиянинг Прага функционал лингвистика мактабида (Зденек Салзманн тилни полифункционал таълим сифатида ўрганиш усулларини ишлаб чиқди).

Дунёда ўқувчиларнинг социолингвистик компетенциясини шакллантириш бўйича қуйидаги устувор йўналишдаги илмий изланишлар олиб борилмоқда: ўқувчиларда она тили бўлмаган (рус) тилни ўрганишда социолингвистик компетенцияларни шакллантириш моделларини яратиш; ўрганувчиларда социолингвистик тайёргарликни такомиллаштириш усулларини ривожлантириш; социолингвистик компетенцияларни шакллантириш жараёнида замонавий педагогик ва ахборот-компьютер технологияларидан фойдаланишнинг назарий-услубий асосларини яратиш.

Хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи шуни кўрсатадiki, ўқув дастури материалларининг мазмунини тарихий-адабий характерга эга бўлган, миллат тарихи ва маданиятини ёритадиган, мазкур (ўзбек) маданият вакиллари томонидан ёт бўлган (рус) воситаларга мўлжалланган ўлкашунослик матнлари билан бойитиш зарур. Бу материаллар умуммиллий аҳамиятга эга. Улар ўрганувчиларга чуқур кизиқиш уйғотади, бериладиган муаммоли саволлар эса рус тилидаги сўз ва бирикмаларни қўллашдаги билим ва кўникмаларнинг шаклланишини тезлаштиради, бу билан уларнинг ижодий қобилияти аниқланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Изланишлар самараси шуни кўрсатдики, охириги йигирма йил давомида ўзбекистонлик олимлар

В.И.Андрянова, Л.Т.Ахмедова, Г.Х.Бокиева, Г.Н.Давлатова, М.Д.Жусупов, С.А.Зияева, Г.Махкамова, К.Дж.Рискулова, Т.К.Сатторовларнинг<sup>3</sup> лингводидактик тадқиқотларида ўқувчи ва ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини социолингвистик жиҳатдан ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича кенг қўламли масалалар ўз ечимини топти, шунингдек, таълимга мазмун, тузилиш, тамойил, усул билан боғлиқ ёндашишни малакали шакллантиришнинг долзарб муаммолари кўриб чиқилди.

Ўқувчиларнинг социолингвистик компетенцияларини шакллантиришга онд вазиятларга қаратилган махсус илмий тадқиқотлар нафақат хорижий (М.Кэнейл, М.Свейн, С.Савиньон), рус (Н.А.Беленюк, О.С.Бобрикова, Т.И.Густомясова, Л.Ф.Зуева, И.А.Исенко, В.Е.Лапина, Ю.В.Манухина, Е.С.Нечаева, Ю.Л.Пучкова, Ю.А.Синица), ўзбек олимлари (К.Дж.Рискулова, С.А.Зияева ва б.) томонидан амалга оширилган.

Социолингвистика соҳасидаги коммуникатив компетенция жиҳатидан олиб борилган кам сонли тадқиқотлар мазкур субкомпетенциянинг муайян даражасига нисбатан ноаниқ ёндашув билан квалификацияланади: коммуникатив компетенциянинг алоҳида компоненти<sup>4</sup> сифатида ёки унинг компоненти ҳисобланган<sup>5</sup> ижтимоий маданият компетенциясининг таркибий қисми сифатида таснифланади.

Лингводидактик муаммо сифатида социолингвистик компетенциялар тадқиқотларда келиб чиқиши, шаклланиши ва замонавий талқиндаги мазмуни, компонент таркиби ва коммуникатив компетенция структурасидаги ўрни нуқтаи назардан ёритилади.

<sup>3</sup> Андрянова В.И. Теория и практика обучения узбекских школьников ускоренному общению на русском языке. - Автореф. дис. ... д-ра пед.наук. - Ташкент, 1997. - 39 с.; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов (на материале художественных текстов): Дисс....пед.наук. -Т., 2012.-320 с.; Бакиева Г.Х. Преодоление звуковой интерференции при обучении русскому произношению студентов-узбеков (на материале консанантизма): Автореф. дисс....канд.пед.наук. - Т.,1987. -21 с.; Джузупов М. Социолингвистика, лингводидактика, методика (взаимосвязь и взаимообусловленность). // Русский язык за рубежом, № 1, 2012. - С. 22-28.; Махкамова Г. Концепция формирования межкультурной компетенции студентов факультетов английского языка. - Т., 2010. -208 с.; Саттаров Т.К. Ўқитувчилик бўйича амалий машгулотларда бўлажак чет тили муаллимнинг социолингвистик малакаларини шакллантириш (инглиз тили материалида): Пед. фанл. докт. ...дисс. -Т., 2000. -373 б.; Хошимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лагуни в контексте современного функционирования русского языка и межязыковых взаимодействий.: Дисс....док.пед.наук.-Т., 2007.-350 с.; Давлятова Г.Н., Таштемирова З.С., Наркobilова Г. Социологическое направление в изучении триады "Человек-Язык-Общество" - Актуальные проблемы современной науки, 2007 - С62-63.

<sup>4</sup> Canale M., Swain M. Указ. соч.; Savignon S. Указ. соч.; Widdowson H.G. Context, Community and Authentic Language. // TESOL Quarterly, Vol. 32, № 4, 1998. - P. 705-716; Горина Н.С. К вопросу о сущности социолингвистической компетенции. // Теория и практика общественного развития, № 2, 2012. - С. 157-159; Манухина Ю.В. Указ. соч.; Синица Ю.А. Указ. соч.; Овчинникова М.Ф. Указ. соч.; идр.

<sup>5</sup> Бим И.Л. Модернизация структуры и содержания школьного языкового образования (ИЯ) // Иностранные языки в школе, № 8, 2005. - С. 4-6.; Дагбаева Н.Ж., Овчинникова М.Ф. Принципы формирования социолингвистической компетенции на начальном этапе языкового вуза. // Вестник науки ТГУ, № 1 (8), 2012. - С. 103-105; Зайцева С.В. Исследование методики формирования социолингвистического компонента коммуникативной компетенции при обучении английскому языку студентов неязыковых вузов. // Вестник Московской международной академии, 2012. - С. 21-28; Захарова К.А. Комплекс методических средств для формирования социолингвистической компетенции бакалавров. // Известия ВГПУ, № 9 (122), 2017. - С. 11-14; Сафонова В.В. Социокультурный подход к обучению иностранному языку как специальности: Дисс. ...докт. пед. наук. - М., 1992. - 528 с.; Сафонова, 1992; Воробьев В.В. Лингвокультурология (Теория и методы). - М.: Изд-во РУДН, 1997. - 331 с.; и др.

Н.А.Беленюкнинг<sup>6</sup> илмий ишларида техника йўналишидаги олий таълим муассасаларининг кичик босқич талабаларининг инглиз тилида оғзаки мулоқотга ўргатиш жараёнида шаклландирган социолингвистик компонентларнинг хусусиятлари кўрсатилган. И.А.Исенко<sup>7</sup> педагогика йўналишидаги ОТМларда ўқувчиларнинг чет (испан) тилидаги оғзаки нутқида социолингвистик компетенциянинг шаклланиш услубини ўрганди, С.А.Зияева<sup>8</sup> эса тилшунослик йўналишидаги ОТМларда талабаларни немис тилига ўргатишда социолингвистик компетенцияни такомиллаштирди; Л.Ф.Зуеванинг<sup>9</sup> тадқиқотида жисмоний маданият йўналишидаги ОТМда социолингвистик компетенцияни шакллантириш муаммолари ёритилади. Ю.В.Манухина<sup>10</sup> социолингвистик компетенцияни шакллантириш негизига нутқ маданияти формулаларини ўзлаштириш жараёнини кўяди, М.Ф.Овчинникова<sup>11</sup> эса умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда социолингвистик компетенция (социолингвистик билим, маҳорат, кўникма, фаолиятга муносабат)ни шакллантиришда лингводидактик моделни тадқиқ қилди. К.Ж.Рискулова<sup>12</sup> бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида социолингвистик компетенцияни шакллантириш тизимини такомиллаштириш механизмни, Ю.А.Синица<sup>13</sup> тилшунослик йўналиши бўлмаган ОТМларда чет тилига ўқитиш жараёнида талабаларда социолингвистик компетенциянинг шаклланишидаги муаммоларни ўрганди; Л.И.Харченкова<sup>14</sup> тадқиқотида талабаларга рус тилини ўргатишда этномаданий ёндашувда социолингвистик омилларни ҳисобга олиш муҳимлигини далиллаб берди.

Социолингвистик компетенцияларни шакллантириш муаммолари таълим йўналиши тилшунослик бўлмаган таълим муассасаларида талабаларга тил ўрганиш машғуллари инглиз, француз, испан ва немис тилларидаги материаллар асосида амалга оширилишида намоён бўлади.

<sup>6</sup>Беленюк Н.А. Формирование социолингвистической компетенции студентов младших курсов технического вуза в процессе обучения устному общению (английский язык, базовый курс): Автореф. дисс. ...канд. пед. наук. – Томск, 2008. – 22 с.

<sup>7</sup>Исенко И.А. Методика формирования социолингвистической компетенции в устном иноязычном общении студентов языковых факультетов педагогических вузов (на материале испанского языка): Дисс. ...канд. пед. наук. – Москва, 2007. – 337 с.

<sup>8</sup>Зияева С.А. Совершенствование социолингвистической компетенции студентов языковых высших образовательных учреждений при обучении немецкому языку: Автореф. дис. ... д-ра пед.наук. – Ташкент, 2020. – 72 с.

<sup>9</sup>Зуева Л.Ф. Формирование социолингвистической компетенции студентов вузов физической культуры: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Малаховка, 2002. – 24 с.

<sup>10</sup>Манухина Ю.В. Формирование социолингвистической компетенции в процессе овладения формулами речевого этикета: Дисс. ...канд. пед. наук. – Москва, 2006. – 268 с.

<sup>11</sup>Овчинникова М.Ф. Методика формирования социолингвистической компетенции учащихся общеобразовательной школы: английский язык, филологический профиль: Дисс. ...канд. пед. наук. – Улан-Удэ, 2008. – 206 с.

<sup>12</sup>Рискулова К.Ж. Система формирования социолингвистической компетенции будущих учителей английского языка: Автореф. дис. ... д-ра пед.наук. – Ташкент, 2017. – 62 с.

<sup>13</sup>Синица Ю.А. Формирование социолингвистической компетенции в процессе обучения устному иноязычному общению студентов неязыковых вузов (в контексте национальной культуры Франции): Автореф. дисс. ...канд. пед. наук. – Москва, 2000. – 25 с.

<sup>14</sup>Харченкова Л.И. Этнокультурные и социолингвистические факторы в обучении русскому языку как иностранному: Дисс. ...докт. пед. наук. – Санкт-Петербург, 1997. – 350 с.



Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг она тили бўлмаган (рус тили) нотаниш тилдаги коммуникатив компетенциясини социолингвистик ёндашув асосида шакллантириш муаммоси етарли ўрганилмаган.

Илмий адабиётларда ўқувчиларнинг социолингвистик компетенцияларини шакллантириш аҳамиятли ва муҳимлиги тан олингани ҳамда бу йўналишда бир қанча ишлар қилинган бўлса-да, муаммоларнинг муайян қисми ханузгача ҳал қилинмаган. Ўрта умумтаълим мактаби ўқувчиларининг коммуникатив компетенциялари таркибий қисмини шакллантириш муаммоси шу кунга қадар назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилмаган. Ўлкашунослик муаммолари эса она тили бўлмаган тил, яъни рус тилига оид илмий-услубий адабиётларда, хусусан, Ўзбекистон мактабларида асосан фақат илмий-услубий тавсиялар асосида изоҳланган<sup>15</sup>.

Бинобарин, ишларнинг ҳақиқий ҳолати шуни кўрсатадики, умумтаълим мактаби, лицей, техникум ва коллеж талабалари, шунингдек, тилшунослик ва бошқа йўналишдаги университет талабалари коммуникатив компетенциянинг таркибий қисмларини тушуниш ва изоҳлашда жиддий қийинчиликларга дуч келишмоқда, бу коммуникатив вазият таркибий қисмларига қараб, тил материални етарли даражада танламаганлиги ва ишлатилганлиги билан боғлиқ. Юқоридаги муаммо умумтаълим мактаблари материаллари асосида махсус ўрганилмаган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон педагогларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотда мазкур йўналишдаги мавжуд ишлардан фарқли равишда, рус тилини ўқитишда тарихий-адабий характерга эга ўлкашунослик матнларга таянган ҳолда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг социолингвистик компетенцияларини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммоси эмпирик маълумотларни йиғишнинг назарий усули, лингвистик киёслаш, интерпретацион, математик-статистик таҳлил усуллари асосида ўрганилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режа билан боғлиқлиги.** Муқимий номли Кўкон давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тарихий-адабий характерга эга бўлган ўлкашунослик матнларга таянган ҳолда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг социолингвистик компетенцияларини ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

педагогик таълим назариясида социолингвистик компетенцияни

<sup>15</sup> Андриянова В.И. Работа с краеведческим материалом на уроках чтения / Изучение русского языка и литературы в соответствии с усовершенствованными учебными программами. – Ташкент, 1992. – С. 27

шакллантиришнинг назарий жиҳатларини ҳамда тадқиқот мавзусидаги тарихий-адабий материалларни ўрганиш;

коммуникатив компетенциянинг умумий концепциялари асосида (хусусий сифатида) социолингвистик компетенциянинг моҳиятини очиб бериш (умумий сифатида);

коммуникатив вазиятнинг тузилишни аниқлаш ва маданиятлараро муваффақиятли мулоқот учун унинг таркибий компонентлари вазифасини асослаш;

ўрганилаётган мавзу нуктаи назаридан рус ва ўзбек тилларининг лингвистик тузилмаларини (аниқлик, вақт, макон, сабаб-оқибат муносабатлари) қиёсий таҳлилини ўтказиш;

умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантириш жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар ва хатолар типологиясини аниқлаш;

умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантиришнинг мазмун-моҳият жиҳатидан такомиллаштириш тамойилларини таҳлил қилиш ва тавсифлаш;

тарихий-адабий характердаги ўлкашунослик матнларини танлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларга мувофиқ таълим мақсадида матнлар банкини яратиш;

маданиятлараро ёндашув тамойиллари асосида социолингвистик компетенцияни шакллантириш методологиясини такомиллаштириш;

тарихий-адабий характердаги ўлкашуносликка оид матнлар асосида социолингвистик компетенцияни шакллантириш бўйича машқлар тизимининг самарадорлигини экспериментал текшириш.

**Тадқиқот объекти** сифатида тарихий-адабий характердаги ўлкашунослик матнларига таяниб, умумтаълим мактаблари (9-11-синфлар) ўқувчиларига замонавий рус тилининг лингвистик конструкцияларини (аниқлик, вақт, макон, сабаб-оқибат муносабатлари)ни ўргатиш жараёни танланган.

**Тадқиқот предметини** умумтаълим мактаблари ўқувчиларида тарихий-адабий характердаги ўлкашуносликка оид матнлар асосида социолингвистик компетенцияни шакллантириш усуллари ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида эмпирик маълумотларни йиғишнинг назарий усули (илмий, ўқув-услубий ҳужжатларни таҳлил қилиш, тилларни ўқитиш бўйича педагогик тажрибани умумлаштириш, кузатиш); лингвистик қиёслаш (рус ва ўзбек тилларида аниқлик, вақт, макон, сабаб-оқибат муносабатларининг лингвистик хусусиятларини очиб бериш); интерпретацион (социолингвистик компетенцияни такомиллаштириш жараёнини тушунтириш, таққослаш), педагогик тажриба, математик-статистик таҳлил (педагогик тажриба натижаларини статистик қайта ишлаш) усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тарихий-адабий характердаги ўлкашунослик матнларини танлашнинг илмий асосланган мезонларини ишлаб чиқиш орқали социолингвистик

компетенцияни ривожлантиришга қаратилган матнлар банки яратилган;

умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ўлкашуносликка оид матнлар асосида чет тилида мулоқот қилишга ўргатиш жараёнида социолингвистик компетенцияни ривожлантиришга қаратилган методик таъминот динамик (юқори, қуйи, ўрта) ва статик (узвий) баҳолаш мезонлари ҳамда аниқланган интерференцион ҳатолар (диалогик, монологик нутқни ифодалаш) асосида такомиллаштирилган;

интегратив рус тилини ўқитиш бўйича педагогик имкониятлар тилнинг номинатив, коммуникатив, кумулятив функцияларидан синхрон фойдаланиш, ўқувчиларнинг ёшига мос аутентик матнлар ҳамда миллий ва умуминсоний кадриятлар акс этган тарихий-адабий характердаги ўлкашунослик матнларини ўзаро оптималлаштириш асосида ривожлантирилган;

ўқувчилар дунёқарашига мос, ёш ва қизиқишларини ҳисобга олган ва шахсга йўналтирилган, ўзида таълим ва тарбияни уйғунлаштирган тарихий-адабий характердаги ўлкашунослик матнларига (аниқлик, вақт, макон, сабаб-оқибат муносабатлари) асосланиб, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг рус тилида нутқни ўстириш ва фаоллаштиришга қаратилган дидактик таъминот такомиллаштирилган;

9-11 синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциялари тилнинг номинатив, коммуникатив, кумулятив функциясидан синхрон фойдаланишнинг илмий-дидактик имкониятларини диагностик лойиҳалаш асосида ўқувчиларга инглиз тилини мураккаб ва самарали ўқитишга қаратилган назорат ва диагностика воситалари оптималлаштирилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

тарихий-адабий характердаги ўлкашунослик матнларига асосан умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари (9-11 синфлар)нинг тарихий-адабий характердаги ўлкашунослик матнларига асосланган социолингвистик компетенциясини шакллантириш методикаси такомиллаштирилган;

ўқувчилар нутқида рус ва ўзбек тилларининг нутқий конструкцияларидан (аниқлик, вақт, макон, сабаб-оқибат муносабатлари) фойдаланиб, мактаб ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантириш бирлиги аниқланган;

замонавий рус тилининг нутқий воситалари ва конструкцияларидан фойдаланган ҳолда тарихий-адабий характердаги ўлкашунослик матнлари асосида (аниқлик, вақт, макон, сабаб-оқибат муносабатлари) мактаб ўқувчиларининг социолингвистик компетенцияларини такомиллаштириш бўйича топшириқ ва машқлар тизими методикаси такомиллаштирилган;

умумтаълим мактаблари (9-11 синф) ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантириш тарихий-адабий характердаги ўлкашунослик матнлари билан ишлаш асосида олиб борилиши кераклиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг



ишончилиги унда асосланган ижтимоий-назарий ғояларга ёндашувларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишлари натижаси самарадорлигининг математик-статистик асосланганлиги, ишлаб чиқилган дидактик материаллар, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, уларнинг натижаси сифат ва самарадорлиги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади, шунингдек, илмий базага, методикага ва тадқиқот методологиясига, янги муаммоларни шакллантиришга, қўйилган вазифаларни ҳал қилишга ҳамда тадқиқот натижаларининг назарий ҳолатига мувофиқлигига асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот илмий аҳамияти илк маротаба замонавий рус тилининг нутқий воситалари ва конструкцияларидан фойдаланган ҳолда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган экспериментал синовдан ўтган ўзига хос ўқитиш услуби тақдим этилгани; ўқувчи ва талабалар учун муҳим аҳамиятга эга Ўзбекистон тарихи ва маданиятини акс эттирувчи тарихий-адабий ўлкашунослик характеридаги матнлар банки келтирилган. Тадқиқот материаллари ўқувчиларнинг тарихий ва адабий манбалар билан мустақил ишлаш қўникмаларини ривожлантиришга қаратилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти изланишлар натижасида олинган лингводидактик натижалар ва ишлаб чиқилган услубий тавсиялар, шунингдек, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, техникумлар, коллежлар, университетлар учун мавжуд дастурлар ва дарсликларни такомиллаштиришда, диссертациялар, монографиялар, дарсликлар ва бошқаларни ёзишда, махсус луғатларни тузишда, шунингдек, рус тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулоса, тавсия ва ишланмалар асосида:

тарихий-адабий характеридаги ўлкашунослик матнларини танлашнинг илмий асосланган мезонлари ишлаб чиқилиши ва улар асосида ўқитиш учун матнлар банки яратилиши ҳақидаги назарий хулосалар асосида Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълим муассасалари учун бўлажак тил ўқитувчиларига мўлжалланган она (рус) тилини ўқитиш методикаси бўйича ўқув қўлланма нашр этилган (Олий ва ўрта махсус вазириликнинг 2019 йил 20 июлдаги 654-019-сон гувоҳномаси). Натижада замонавий тилшунослик, умумий дидактика, педагогика, психология, психолингвистиканинг ютуқларига, ўтмишдаги методик меросга, она (рус) тилини ўқитиш тажрибасига асосланган қўлланманинг мазмуни она тили (рус тили)ни ўқитишнинг услубий техникаси ва тамойилларининг назарий асосларини ўзлаштириш учун зарур манба, шунингдек, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг (9-11-синфлар) тарихий-адабий характерга эга бўлган ўлкашуносликка оид матнлар асосида социолингвистик компетенциясини шакллантириш ҳамда уларни амалиётда қўллаш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилган;

умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ўлкашуносликка оид матнларасида чет тилида мулоқот қилишга ўргатиш жараёнида социолингвистик компетенцияни шакллантириш методикасини такомиллаштириш ҳақидаги хулоса ва умумлашмалардан 2015 йилда амалга оширилган А-1-121 “Ўзлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини қайта ишлашнинг замонавий усуллари” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Муҳаммад Заҳириддин Бобур номидаги Андижон давлат университетининг 2021 йил 3 майдаги 38-04-974-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари лойиҳа доирасида яратилган электрон ресурсларни, типографик дарсликларни, назарий ва амалий материалларни тайёрлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

миллий ва умуминсоний кадрیاتлар акс этган тарихий-адабий характердаги ўлкашунослик матнларига таянган ҳолда рус тилида социолингвистик компетенцияни шакллантиришнинг замонавий педагогик усуллари ўқувчилар учун тавсия этилиши ҳақидаги хулосалардан 574097-ЕРР-1-2016-1-СҮ-ЕРРКА2-СВНЕ-ЈР RUECVET «2016-2019 йилларда Россия ва Ўзбекистон миллий касб-хунар таълими тизимларида касб-хунар таълими ва ўқитиш учун Европанинг таълим тизимидаги синов бирликлари (кредитлар)ни синовдан ўтказиш» лойиҳаси дорасида фойдаланилган (Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтининг 2021 йил 16 мартдаги 183-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга татбиқ этилиши тарихий-адабий характердаги ўлкашунослик матнларига таянган ҳолда рус тилида социолингвистик компетенцияни шакллантиришнинг аҳамиятини асослашга муҳим асос бўлиб хизмат қилган;

ўқувчилар дунёқарошига мос, ёш ва қизиқишларини ҳисобга олган ва шахсга йўналтирилган таълим ва тарбияни умумлаштирган тарихий-адабий характердаги ўлкашунослик матнлари (аниқлик, вақт, макон, сабаб-оқибат муносабатлари)га асосланиб, умумтаълим мактаблари (9-11 синфлар) ўқувчиларининг нутқини ўстириш ва фаоллаштиришга қаратилган замонавий рус тилининг нутқий конструкцияларининг илмий асосланган ва тажриба-синовдан ўтган тошширик ва ва машқлар тизимидан Тошкент шаҳар Олмазор тумани 134-сон, Фарғона шаҳридаги 1-сон, Қўқон шаҳридаги 1-, 14-28-сон, Наманган шаҳридаги 7-сон, Андижон вилояти, Шаҳрихон туманидаги 28-сон, Данғара туманидаги 1-, 2-, 23-сон умумтаълим мактаблари ўқувчиларига дарс ўтиш жараёнида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 2 апрелдаги 02-02/3-1032-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотнинг назарий ва амалий материаллари таълим ўзбек ва бошқа тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактаблари ўқувчиларига рус тилини ўқитишда замонавий рус тилидаги нутқ тузилмаларини тарихий-адабий характерга эга ўлкашунослик матнлари асосида ўргатиш услуби, ўқув жараёнини режалаштириш услублари ва механизмлари бўйича йўналишлар ва педагогик технологиялар юзасидан услубий тавсиялар билан бойитиш ва такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуман ва семинарларда, жумладан, 9 та халқаро ва 1 та

республика конференцияларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 39 та иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, улардан 5 таси хорижий ва 6 таси республика илмий журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 287 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг тарихий-адабий характерга эга бўлган ўлкашуносликка оид матнлар асосида социолингвистик компетенциясини шакллантиришнинг назарий-услубий шартлари”** номли биринчи бобида илмий-услубий адабиётлар таҳлили асосида умумтаълим мактаблари ўқувчиларида социолингвистик компетенцияни тарихий-адабий характерга эга ўлкашуносликка оид матнлар асосида шакллантириш муаммолари ёритилган, социолингвистик компетенция ҳолатини аниқлашнинг асосий ёндашувлари ўрганилган, она тили бўлмаган (рус) тилни ўқитишда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини такомиллаштиришнинг лингвометодологик асослари аниқланган. Компетентликка асосланган ёндашувнинг психологик-педагогик тадқиқи шуни кўрсатдики, айнан коммуникатив компетенция таълим жараёнида этакчилик қилмоқда, чунки рус тили ўқитувчиси ўқувчиларнинг тил тизими ва нутқ метъёрларидан фойдаланган ҳолда фикрларини она тили бўлмаган тилда ифодалаш, яъни улардан турли вазиятларда тўғри фойдаланишнинг амалий билим ва кўникмаларини шакллантиришга интилади.

Рус тилини ўқитишда компетенция деганда тил билишнинг муайян даражаси тушунилади. Шунинг учун коммуникатив компетенция нутқ фаолиятини она (ўзбек) ёки ўрганилаётган (рус) тилида коммуникатив мақсад ва коммуникатив контекстга қаратилган билимлар, қобилиятлар ва кўникмалар сифатида ўрганилади. Шунга кўра “коммуникатив компетенция ҳақида фанлараро феномен сифатида гаплаша оламиз”,<sup>16</sup> улардан

<sup>16</sup>Бастрикова Е.М. Коммуникативная компетенция как лингводидактический феномен // Русская

фойдаланиш соҳаси ўқувчи шахсининг интеллектуал қобилияти ва нутқ фаолияти ҳисобланади.

Коммуникатив компетенция – она тилида ва ўрганилаётган (рус) тилда самарали мулоқотни таъминлаш учун зарур ваколатлар тўпламидир. "Чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш" ҳужжатида асосан коммуникатив компетенциянинг таркибий қисми сифатида уч компонентни бирлаштириш мақсадга мувофиқ: ўқувчиларнинг коммуникатив ниятларига мувофиқ равишда турли соҳаларда ва мулоқот вазиятларида тилдан амалий фойдаланиш қобилиятларини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилган лингвистик, социолингвистик ва прагматик коммуникатив компетенциялардир.<sup>17</sup>

Биринчи марта немис тилшуноси Вильгельм фон Гумбольдт тилни ижтимоий ҳодиса сифатида эътироф этди. У ўз асарларида тил – инсонлар ўзхис-туйғулари ва фикрларини ифода этиш усули, шахснинг тафаккури ва миллий характери билан чамбарчас боғлиқ фаолият эканини таъкидлаган<sup>18</sup>.

Ушбу омил коммуникатив компетенцияда социолингвистик компетенция деб ном олган компетенциянинг шаклланишини олдиндан белгилаб қўйди.

Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек ва хориж педагог олимларининг тадқиқотлари коммуникатив компетенциянинг социолингвистик йўналишини ривожлантиришга бағишланган бўлиб, коммуникатив компетенциянинг социолингвистик элементи тўғрисида ҳануз яқуний тўхтамга келмаган бўлса-да, кўплаб тилшунослар социолингвистик компетенция коммуникатив компетенциянинг таркибий қисмларидан бири, деб ҳисоблашади.

Олимларнинг таъкидлашича, тил фақат ижтимоий омиллар ва шароитлар компетенциянинг социолингвистик элементи тўғрисида ҳануз яқуний тўхтамга келмаган бўлса-да, кўплаб тилшунослар социолингвистик компетенция коммуникатив компетенциянинг таркибий қисмларидан бири, деб ҳисоблашади.

Олимларнинг таъкидлашича, тил фақат ижтимоий омиллар ва шароитлар таъсирида жамиятда қўлланилиши ва ривожланиши мумкин. Буларга жамият ва унинг ижтимоий тузилиши, она тилида сўзлашувчиларнинг ёши, маданияти ва маълумот даражаси, ижтимоий мавқеи, яшаш жойидаги фарқлари, шунингдек, нутқий хатти-ҳаракатларидаги муносабат ҳолатига кўра фарқлари, "тилниги алоҳида минтақага тегишли социолингвистик вазиятини вужудга келтиради..."<sup>19</sup>.

инепоставительная филология: Лингвокультурологический аспект. – Казань: Казан. гос. ун-т, 2004. – С. 43-48.

<sup>17</sup>Общеввропейские компетенции владения иностранным языком: Изучение, обучение, оценка. // Common European Framework of Reference for Languages: Learning, teaching, assessment – Страсбург; М.: Совет Европы, Департамент по языковой политике; Московский государственный лингвистический университет, 2001 – 2003. – С. 12.

<sup>18</sup> Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию / В. фон Гумбольдт; пер. с нем. яз.; под ред. и с предисл. Г. В. Рамишвили. - 2-е изд. - Москва: Прогресс, 2000. - 396 с.

Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры / В. фон Гумбольдт; пер. с нем.; сост., общ. ред. и вступ. статьи А. В. Гулыш, Г. В. Рамишвили. – Москва: Прогресс, 1985. – 451 с.

<sup>19</sup> Джусупов М. Социолингвистика, лингводидактика, методика (взаимосвязь и взаимообусловленность). // Русский язык за рубежом, № 1, 2012. – С. 24.

Она тили бўлмаган (рус) тилни ўрганиш жараёнида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантиришда маданий контекстларни, яъни тарихий-адабий характерга эга ўлкашунослик матнларини ўргатиш жоиз. Келажакда ижтимоий, ижтимоий-маданий, ўқув-ишлаб чиқариш соҳаларида бошқа маданият вакиллари билан реал мулоқотга киришишда маданий кадриятлар тизимидан тўғри фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилади. Бу ҳолатга жиддий аҳамият бериш лозим, чунки умумий таълим даражаси (9-11 синфлар) ўрта махсус ва олий маълумот олиш учун асос ҳисобланади.

Тил маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, санъат тури сифатида ривожланади ва фаолият юритади, тил миллий маданиятларни бойитишда ёрдам беради. Шунинг учун ҳам тил ва маданият бир-бири билан узвий ҳамдаҳар томонлама боғлиқ. Тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги тилни эгаллашда самарали ёрдам беради, чунки лексика маданий ва хусусий мазмунли контекст билан боғлиқ, шу билан бирга уни мустаҳкамлаш ва янги ностандарт вазиятларда қайта ишлатишни осонлаштиради. Маданиятни билиш ўқувчилар дунёқарашини кенгайтиради, ўрганилаётган ва она тилларига бўлган қизиқишини кучайтиради. Шунинг учун тил ва маданиятни ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш шахсни уйғун тарбиялаш, "маданият одами"нинг интеллектуал ривожланиши, тилларни ўрганиш жараёнида умумий гуманитар тайёргарликни ошириш ва мотивацияни кучайтиришнинг зарур омили саналади. Тадқиқотда рус ва чет эл олимлари томонидан тақлиф қилинган тил ва маданиятни ўзаро боғлиқ ўрганишнинг оммалашган моделлари таҳлил қилинди. Ўзбекистонда ушбу йўналиш бўйича махсус тадқиқотлар ўтказилмаган. Илмий изланиш натижасида биринчи марта умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг социолингвистик компетенциясини шакллантиришда тарихий-адабий характерга эга ўлкашунослик матнлари асосида тил ва маданиятни узвий ҳолда ўрганиш модели тақлиф қилинди.

Ҳар бир модел учун ишлаб чиқилган топшириқлар тақлиф қилинди<sup>20</sup>:

1. К.Крамшининг тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш модели: Миллий (рус) ошхонаси ҳақидаги гоғларингизни тақдимотлар, фотосуратлар, видеофильмлар, ошпазлик ва бошқалар орқали тақдим этиши. Ўзбек ва рус ошхоналарининг таомларини солиштиринг. Ҳикоя ёзишда ўрганилган нутқ конструкцияларидан фойдаланинг

2. В.В.Воробёвнинг тил ва маданиятни ўзаро боғлиқ ўрганиш модели: "Рус ва ўзбек байрамлари, тарихи, анъаналари"ни қиёсланг. Сизга ёқадиган ўзбек ва рус халқларининг байрамини тавсифланг. Ушбу байрамлардаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни изоҳланг. Матнда рус ва ўзбек тилларида қиёсни ифодалаш учун махсус минтақавий луғат ва грамматик воситалардан фойдаланинг.

3. В.П.Фурманованиннг тил ва маданият узвийлиги модели: Россиялик дўстингиз ташириф буюрди. У сиздан ўзингиз яшайдиган шаҳарни кўрсатишингизни сўрайди. Унга биринчи навбатда қандай диққатга сазовор

<sup>20</sup> Бу ерда топшириқларнинг баъзи мисоллари тақлиф қилинган (А.С.)





жойларни намойиш қилмоқчисиз? Роллар бўйича диалог тузинг: сиз ва дўстингиз, коммуникатив вазиятнинг зарур социолингвистик контекстини танланг. Ўрганилган нутқ конструкцияларидан фойдаланинг.

Мавзуни ўқитишнинг замонавий коммуникацион йўналтирилган методикаси, рус бўлмаган талабаларни рус тилида мулоқот қилишга ўргатиш жараёнида она тилидан оқилона фойдаланишни эмас, балки "қиёсий маълумотларни ҳисобга олган ҳолда рус ва она тилларини таҳлил қилиш нутқни ривожлантириш учун зарур грамматик кўникмаларни шакллантиришнинг оқилона тизимини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир"<sup>21</sup>.

Тилни фаол эгаллашга ўргатиш борасида бир тилнинг семантик мазмунини бошқа тилга узатиш билан узвий боғликлиги асосида таълим мақсадида замонавий рус ва ўзбек тилларига хос аниқлик, макон, вақт, сабаб-оқибат муносабатларини ифодалашнинг энг муҳим типик усуллари кўриб чиқилди. Мазкур таҳлил лингвистик ифода усуллари жиҳатидан бир хил бўлмаган фактларни ҳам, шунингдек, тиллардан бирига хос фактларни ҳам лингвистик ифода воситалари эканлигини исботлайди. Ушбу нутқ тузилмаларини танлаш бу тузилмаларнинг кенг қўлланилиши, алоқанинг турли соҳаларида кенг тарқалганлиги ва фойдаланишда универсал бўлганлиги билан изоҳланади, бу эса, шубҳасиз, социолингвистик компетенцияни шакллантиришда ижобий таъсир кўрсатади. Аммо шу билан бирга, улар она тилининг аралашув таъсири туфайли умумий таълим мактаблари (9, 10, 11-синфлар) ўқувчилари учун жиддий қийинчиликлар туғдиради. Масалан, 9-синф ўқувчилари учун ўзбек ва рус тилларида ўрганилган конструкцияларни таққослашда, қуйидаги вазифа таклиф қилинади: *ИНСЕРТ белгиларидан фойдаланиб, матнни ўқинг («v», «-», «+», «?»).* Қуйидаги вазият бўйича диалог тузинг: *“Сиз ўз шахрингизда ҳосил байрамда турибсиз. Байрам сизга жуда ёқди. Байрам қатнашчиларидан нимани сўрамоқчисиз?”* коммуникатив вазиятнинг зарур социолингвистик контекстини танланг. Нутқингизда ўрганилаётган конструкциялардан фойдаланинг ва ушбу вазиятга эътибор беринг. Рус ва ўзбек тилларида аниқлик муносабатларини ифода этиш усулларини ажратиб кўрсатинг.<sup>22</sup>

### **Праздник урожая**

*Когда начинается уборка, проводятся праздники, начало которым было положено ещё в древности. Народ сопровождал их песнями, сказаниями о хлебе, о хлопке, об урожае и о светлых надеждах на будущее, сочинял сказки, половицы, поговорки. Праздник урожая - это самый народный праздник труженников сельского хозяйства нашей республики. Сегодня праздник урожая приобрёл более разнообразные формы и проводится он в различные периоды года. В каждом фермерском хозяйстве торжественно отмечают праздники первой борозды, первой коробочки хлопка, Пашта*

<sup>21</sup> Андриянова В.И. Совершенствование обучения русской устной речи узбекских школьников. – Ташкент: Фан, 1988. – С.52

<sup>22</sup> Вазифаларга мисоллар танлаб берилган, диссертацияни §1.3 -бандга қаранг (А.С. изохи)

байрами, Хосилбайрами, ковунсайли. Звуки карнаев, сурнаев, дойры извецают людей о начале праздника. Повсюду спелые дыни, аромат которых наполнят всё пространство. Такие праздники, которые проводятся ежегодно, ждуют и стар и млад.

Шуни таъкидлаш керакки, мактаб ўқувчилари (таълим ўзбек тилида бўлган) диалог тузишда мулоқот жараёнида социолингвистик бирликни қандай қўллашни билишмайди, улар куйидаги ҳолларда хатоларга йўл қўйишади:

1) қиёсий даражадаги композицион шаклдан фойдаланиш (более разнообразный ўрнига более разнообразные);

2) қиёсий даражадаги сифат самый сўзи – Праздник урожая – это самая народная праздник (самый народный праздник ўрнига) труженников сельского хозяйства нашей республики);

3) рус тилида сифатларда қисқа шаклнинг мавжудлиги (тўлиқ билан бирга) ва ўзбек тилида шунга ўхшаш шаклнинг йўқлиги талабалар томонидан йўл қўйиладиган чалкашлик ва хатоликларга сабаб бўлади. Масалан: *ждёт и старый, и молодой (ждут и стар и млад ўрнига)*;

4) *какой, который* боғловчи сўзларнинг роди, сони ва келишик шаклларида ногўри фойдаланиш натижасида сўзлар мужской роддаги асл вариантыда ишлатилади. Масалан: *Когда начинается уборка, проводятся праздники, начало который был положено ещё в древности (начало котормўрнига)*;

5) бош гапнинг аниқловчи сўзидан олдин аниқловчи эргаш гапни тўғри жойлаштириш. Масалан: *Который проводятся ежегодно, такой праздники, ждуют и старый и молодой (Такие праздники, которые проводятся ежегодно, ждуют и стар и млад ўрнига)*.

6) *который* боғловчиси эргаш гапнинг бошида келса, унинг иштирокида аниқловчи эргаш гапли қўшма гап туза олмаслик. Масалан: *Повсюду спелые дыни, аромат, который наполнят всё пространство (вместо которых ўрнига)*.

